

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Олтаев Ш.С. – СамИСи доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мақолада молия-банк бозорининг ривожланиши шароитида аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг аҳамияти ва зарурлиги таҳлил қилинган. Янги молиявий маҳсулот ва хизматларнинг жорий этилиши, улардан аҳоли ва тадбиркорларнинг самарали фойдаланиши молиявий билим ва кўникмалар даражасига бевосита боғлиқ эканлиги асослаб берилган. Шунингдек, аҳолининг молиявий саводхонлиги миллий иқтисодиёт, уй хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсир этувчи муҳим омил сифатида кўриб чиқилган. Мақолада молиявий саводхонликни оширишнинг асосий йўналишлари, амалий қобилиятлари ва унинг паст даражаси натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ёритилган.

Калит сўзлар: молиявий саводхонлик, молия-банк бозори, молиявий маҳсулотлар, аҳоли фаровонлиги, молиявий хизматлар, иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик.

Кириш. Молия-банк бозорининг жадал ривожланиши, янги молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг жорий этилиши аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигига бўлган талабни янада оширмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида молиявий хизматлар бозори фаолиятини кенгайтириш ва аҳолининг молиявий имкониятларидан самарали фойдаланишини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш иқтисодий барқарорликни таъминлаш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, молиявий саводхонликни

ривожлантириш масалаларини илмий жихатдан таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқотда таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил ҳамда мантиқий умумлаштириш усулларида фойдаланилди. Молиявий саводхонлик масаласига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ва илмий манбалар ўрганилди.

Шунингдек, молиявий саводхонлик тушунчаси мазмунан таҳлил қилиниб, унинг аҳоли турли қатламлари ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти аниқланди. Тадқиқотда молиявий билим ва кўникмаларнинг уй хўжаликлари ҳамда молия-банк бозори ривожига таъсири таҳлилий усул орқали баҳоланди.

Молия-банк бозори ривожланиши, янги молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг жорий этилиши, улардан аҳоли, тадбиркорлар фойдаланиши даражасини юксалтиришда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан молиявий саводхонликни ошириш бўйича халқаро тажрибалари илғор ютуқлар ўрганилган ҳолда Ўзбекистонда аҳолини молиявий саводхонлиги даражасининг ошириш дастури ишлаб чиқилган ҳолда амалий ишлар амалга оширилмоқда .

Мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлиши миллий иқтисодиёт, жумладан, уй, хўжаликлари, тадбиркорлик ва давлат учун ижобий натижаларга олиб келади.

Молиявий саводхонлик — фуқарони молиявий маҳсулотлар ва хизматлар бозорида фаол позицияни эгаллаши, жамиятда ўзи ва оила аъзоларини молиявий фаровонлигини ошириш учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар йиғиндисидир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишнинг қуйидаги сабабларга кўра долзарблиги ошиб боради: биринчидан, аҳолининг даромад манбалари

таркибининг ўзгариши; иккинчидан, кўп сонли хусусий тадбиркорларни пайдо бўлиши; учинчидан, аҳолини узок муддатли жамғармаларга ва кредит олишга бўлган эҳтиёжини кескин ортиши; тўртинчидан, шахсий жамғармаларни инвестициялаш ва моддий активларини бошқариш имкониятларини кенгайтириши; бешинчидан, аҳоли меҳнат миграцияси миқёсини кенгайтириши; олтинчидан, аҳолининг истеъмол маданияти соҳасидаги мавжуд кадриятларининг айрим хусусиятлари.

Аҳолининг молиявий саводхонликни ошириши мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, молия-банк бозори хизматлари кўламини оширишга, аҳолини ортиқча пул маблағларини инвестиция қилиш орқали иқтисодий ўсишга, уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Шунингдек, молиявий саводхонликни оширишга эътибор қаратилиши молия-банк бозори ривожланишига туртки берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Аҳоли ва тадбиркорлар, ўзларига тақдим этилаётган молиявий хизматларнинг моҳияти, мазмуни, шартлари, молиявий риск ва уни баҳолаш бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмасликлари мумкин. Шу сабабли тегишли ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар тўғрисидаги базавий маълумотлар бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш оддий истеъмолчининг молия ташкилотлари билан самарали алоқасини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ерда унинг шахсий фазилатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Молиявий саводхонликни ошириш инсонларда молиявий кўникма ва билимларни ҳамда молиявий саводхонлик талаб этадиган қуйидаги умумий қобилиятларни шакллантиришни назарда тутаяди: биринчидан, молиявий институтлар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларга эга бўла олиш; иккинчидан, маълумотларни тушуниш, қидириш ва улардан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиш; учинчидан, ҳаётий мақсадларга эришиш учун тўғри

қарорларни қабул қилиш; тўртинчидан, шахсий фаровонлигини таъминлаш; бешинчидан, солиқ, инвестиция, суғурта, молия бозори хизматлари ҳақида тушунча ва кўникмаларга эга бўлиш кабилар.

Молиявий саводхонлик бўйича кўникма ва билимларни шакллантиришда инсондан маълум бир амалий қобилиятларга эга бўлиш ҳам талаб қилинади. Булар: биринчидан, даромад ва харажатларнинг ҳисобини юрита олиш; иккинчидан, банк ва суғурта хизматларининг мазмуни ҳамда шартлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қила олиш; учинчидан, молия-банк бозори тўғрисидаги ахборотни излаш ҳамда мазкур ахборотларнинг асосий кўрсаткичлари ўзгаришини кузатиб бориш; тўртинчидан, маълум муддатга мўлжалланган молиявий хизматлардан фойдаланиш дастурини тузиш; бешинчидан, турли хил молиявий ташкилотлар тақдим этадиган хизматларининг шартларини тушуниш; олтинчидан, хизматлардан кўриладиган наф (зарар) ларни қиёсий таққослаш учун етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш ҳамда пул жамғармаларини шакллантириш қобилиятига эга бўлиш.

Аҳоли турли қатламини молиявий саводхонлигини пастлиги иқтисодиётга ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этади. Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлар узок муддатга мўлжалланган молиявий режаларни туза олмаслиги, рискни тўғри баҳолай олиш, инновацион молиявий хизматлардан фойдаланиш кўникмаларини шаклланмаслигига сабаб бўлади ва натижада молия бозорида пассивлик кузатилади. Бу эса молия бозори муассасалари фаолиятида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Аҳоли турмуш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлган пенсия, суғурта, банк, инвестиция соҳаларида янги технологиларни жорий этиш ҳамда рационал ва тўғри қарорларни қабул қилиш имкониятларини пасайиши каби омиллар миллий иқтисодиётнинг ўсиш имкониятларини чекланишига олиб келиши мумкин.

Аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси юқори бўлиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Молиявий билим ва амалий кўникмаларга эга аҳоли молиявий хизматлардан онгли равишда

фойдаланади, рискларни тўғри баҳолайди ва узок муддатли молиявий режалар тузиш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги аҳоли ва тадбиркорлар томонидан молиявий хизматлардан тўлиқ фойдаланилмаслигига, инвестиция фаоллигининг пасайишига ва молия бозорида пассивликка олиб келади. Бу ҳолат банк, суғурта ва инвестиция соҳаларидаги ислохотлар самарадорлигини чеклайди.

Шундай қилиб, аҳолида молиявий саводхонликни ошириш аҳоли турли қатламларини, айниқса ёшларнинг ҳаётий етуклик даври шаклланиши, келажакка ишонч билан қараши, молиявий хизматлар сифатини яхшилаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш молия-банк бозорини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Молиявий билим ва кўникмалар аҳолининг ўз маблағларини самарали бошқариши, молиявий хавфларни камайтириши ва иқтисодий қарорларни онгли қабул қилишини таъминлайди.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин: аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган таълим дастурларини тизимли равишда жорий этиш; молиявий хизматлар бозори иштирокчилари томонидан аҳоли учун тушунарли ва очиқ ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиш; ёшлар ва тадбиркорлар учун молиявий режалаштириш ва рискларни бошқариш бўйича амалий тренингларни кенгайтириш; аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини мунтазам баҳолаб бориш ва натижалар асосида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги №ПФ-60 сонли Фармони // <https://lex.uz/>.
2. Ўз.Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-3620 -сонли қарори// <https://lex.uz/>.
3. Использование поведенческих факторов для корректировки финансового поведения населения. - Москва: Институт национальных проектов, 2020. - 15 стр.
4. Макаров С.В. Личный бюджет: деньги под контролем. С-Пб.: «Питер», 2008.
5. Hakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. International Journal of Modern Agriculture, 10(2), 3943-3949.
6. Erkeyeva, G., & Vayskulov, R. (2022). Turizm salohiyatini rivojlantirishda mobil innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish yo'llari. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(5), 348-356.
7. Шукуров, У. (2022). Кашқадарё вилояти иқтисодиётида саноат комплексининг ҳиссаси. Экономика и образование, 23(4), 256-262.
8. Fayzullaevich, K. G., Panjiyevna, E. G., & Gaybulla o'g'li, F. K. (2021). Labor motivation in small business enterprises. American Journal of Economics and Business Management, 4(2), 89-93.